

ҚАРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ УЗВИЙЛИГИГА ЭРИШИШНИ ТАЪМИНЛАШ



Юсуфов Торебай Тажетдинович

*Қарақалпоғистон республикаси Эллиққалъа
тумани 21-умумий ўрта таълим мактаби
Қарақалпоқ тили фани ўқитувчиси.*


Аннотация: Мақолада Қарақалпоқ тили фанини ўқитиш жараёнида фаол, инновацион усулларни қўллаш ва таълим-тарбия принципларининг узвийлигига эришишни таъминлаш масаласи ёритилди.

КИРИШ

Миллий мустақилликка эришган кундан эътиборан мамлакатимизда улкан ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Албатта, бу қонуний хол бўлиб, ижтимоий ҳаётимиз миллий истиқлол ғояси асосида янгиланиши зарур эди.


Айниқса, таълим тизимини ислоҳ қилишида Ўзбекистон Республикасини “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мазкур ҳужжатларда таълим тизимини босқичма-босқич янгилаш, халқаро талаблар асосида янги турдаги таълим муассасаларини яратиш долзарб вазифадан қилиб белгиланди. Янгича таълим тизимини куриш, педагогик жараёнларга янги педагогик технологияларни киритиш, ўқувчи-ёшларни мустақил, ижодий ишлашга, эркин фикрлашга ўргатиш, педагогик жараёнларда ноанъанавий, қизиқарли, фаол, янги-инновацион усулларни қўллашни ҳозирги кунимиз тақозо қилмоқда. Шундай экан, Қарақалпоқ тили фани ўқитувчиси педагогик жараёнларда бу усуллардан қандай фойдаланиш керак? Ноанъанавий, қизиқарли, фаол, инновацион усулларнинг қандай турлари мавжуд? – деган савол туғилади.

Таълим жараёнида ноанъанавий, қизиқарли, фаол, инновацион (янги) усуллардан фойдаланиш самарали тизим сифатида акс эттирилган.



Унга кўра, ўқитиш жараёнларида ноанъанавий таълим усулларидан – “Конференция дарси”, “Семинар дарси”, “Аралаш дарслар”, “Ўйинчоқлар ёрдамида дарс ўтиш”, “Касбга боғлаб дарс ўтиш”, “Бадиий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш”, “Эврика” (ўйлаб топ), таълимнинг қизиқарли, фаол усулларидан – “Кичик ва катта гуруҳларда ишлаш”, “Ролли ўйинлар”, “Сахна кўриниши”, “Пантомима”, “Кроссвордлар ечиш”, “Заковат саволлари”, “Тест-синов” топшириқлари, “Турли тарқатма материаллардан фойдаланиб дарс ўтиш”, “Синквейн ўйинлари”, шунингдек, таълимнинг инновацион (янги)

усуллари – “Модификациялашган таълим”, “Импровизация”, “Аклий хужум”, “Дебат”, “Танкидий тафаккурни ривожлантирувчи усул”, “Кластер усули”, “Муаммоли вазият”, “Муайян ҳолат, вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш”, ҳар ким - ҳар кимга ўргатади, “Нуктаи – назаринг бўлсин”, “Мультимедия” ва бошқаларни қўллаш муҳимдир. Қуйида ушбу усулларнинг айримлари ҳақида маълумот беришни лозим топдик.



билан мулоқот тарзида олиб борилади. Афзаллиги ўқувчилар ўз устида мустақил, ижодий ишлайдилар, дарс жараёнида фаол иштирок этадилар. Дарс ўқувчилар ҳамкорлигида мулоқот тарзида ташкил этилади. Янги мавзунини ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда таҳлил қиладилар.

“Импровизация” – тайёргарликсиз баён этиш усули бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларга савол ёки топшириқ беради ва дарҳол унинг жавобини тайёргарликсиз, улардан тушинтириб беришларини сўрайди. Бу усулнинг афзаллиги ўқувчилар ўз шахсий фикрларига, дунёқарашига эга бўлади, оғзаки нутқи ривожланади, ҳар бир савол-топшириқларни хотирада тез таҳлил қила олиш кўникмалари шаклланади.

“Ақлий ҳужум” усули. Ўқитувчи ўқувчиларга бирон-бир савол ёки топшириқ беради, улар эса ушбу савол ёки топшириққа бирин-кетин, орқама-орқа, кетма-кетликда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Афзаллиги – янги мавзунини ёки дарсни бошламасдан аввал бу усулни қўлланилса, ўқувчиларнинг дарсга, янги мавзуга тайёргарлиги, диққати жалб қилинади, ҳар ким ўз фикрларини эркин намоён қила олиш имконитига эга бўлади.

“Муаммоли вазият” усули. Бу усулни ўқитиш жараёнида қўллашда ўқитувчи талабаларга бирон-бир ҳаётий воқеа, ҳодисалардаги муаммоли ҳолатлардан мисоллар келтиради. Масалан, “бола онасининг гапига қулоқ солмай, безори болаларга кўшилиб ўйнайди. Натижада улар билан жанжаллашиб, уришиб, кўзи кўрмай қолди. Бола бир умрга ожиз бўлиб қолди. Бола ҳаётида муаммо пайдо бўлди”.

Ушбу муаммоли вазият юзасидан талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, муаммони атрофлича ҳал қиладилар. Усулнинг афзаллиги ўқувчилар муаммо устида бош қотирадилар, ўз фикрларини билдирадилар, ҳаётдан ижобий томонга сабоқ оладилар. Шунингдек, бу усулни қўллаш орқали таълимнинг тарбиявий, ҳаёт билан боғлиқлик принципларининг узвий (боғлиқ)лигига эришилади. “Муайян ҳолат ва вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш” усули. Бу усул юқоридаги усулга мазмунан ўхшаш бўлиб, уни қўллашда ҳаётий воқеа, ҳодисалар, вазиятлар юзасидан мисол келтирилади. лар ушбу ҳаётий воқеа, ҳолат ва вазият юзасидан ўз фикрларини билдирадилар, таҳлил қиладилар. Ўқитувчи эса, хулосалаб, умумлаштириб қўяди. Бу усулнинг афзаллиги – талабалар ҳаётий воқеа, ҳолат ва вазиятларга ўз муносабатларини билдирадилар, бу вазиятларни эркин, мустақил, ижодий ёндашган ҳолда таҳлил қиладилар. Таъкидлаш жоизки, юқорида зикр қилинган янги инновацион фаол усулларни ўқитиш жараёнида қўллашда қуйидаги талаб ва тавсияларга риоя қилиш лозим. Булар:

- таълимнинг ноанъанавий, қизиқарли фаол, инновацион (янги) усуллари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушиниб етиш ва сўнгра ўқитиш жараёнида қўллаш;
- ўқитиш жараёнида фаол усулларни қўллашнинг самарали услубиётини танлай олиш;
- инновацион, фаол усулларни ҳар бир фан хусусиятларидан келиб чиқиб қўллаш;
- ўқитиш жараёнида фаол инновацион усуллардан фойдаланишда таълим-тарбия принципларининг узвий (боғлиқ)лигига эришиши;
- Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш (билимлилик даражаси, қизиқиши, индивидуал ёндашиш ва бошқалар);
- Ўқувчиларнинг ўқитиш жараёнида фаолликка чорлаш усулларини тўғри танлай ола билиш, ўз устида мустақил, ижодий ишлашга, эркин фикр юритишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу талаб ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнларида таълимнинг фаол, инновацион (янги) усулларини қўллаш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин деган умиддамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ таълими” журнали, 1995 йил, 1-сон.
2. Н.Саидахмедов. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Тошкент. 2000 йил.
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши “Насаф”, 2000 й.
4. Таълим ва технология. Тузувчи: Т.Каримов, Тошкент, 2003 йил.
5. М.Толипов ва бошқалар. Ҳозирги замон дарсининг дидактик-услубий масалалари. Тошкент, “Тафаккур”, 1998 йил.
6. М.Толипов ва бошқалар. Дарс ва технология. Қўқон. 2004 йил.
7. М.Толипов ва бошқалар. Ўқитишнинг замонавий усуллари. Қўқон, 2004 й.